



## THEORETICAL APPROACH TO THE SCIENTIFIC HERITAGE OF BURHANIDDIN MARGHINANI

*Ismoil Nuriddinov*

*master's student*

*Law enforcement academy of the Republic of Uzbekistan  
Uzbekistan, Tashkent*

### ABOUT ARTICLE

**Key words:** crime, punishment, justice, law, legacy, society, legislation, Al-Hidayah.

**Received:** 31.03.25

**Accepted:** 02.04.25

**Published:** 04.04.25

**Abstract:** This article focuses on comparing the legal principles presented in Burhaniddin Marginani's work Hidaya with modern human rights norms and international law standards. It highlights the compatibility of the balance between crime and punishment, as well as the principles of justice in Hidaya with contemporary legal standards. Additionally, it emphasizes the humanitarian and moderate ideas expressed in the work, which could serve as a foundation for global legal cooperation. Furthermore, the article underscores the continued relevance of Marginani's legacy in legal reforms, international cooperation, and peacebuilding efforts.

## БУРХОНИДДИН МАРГИНОНИЙНИНГ ИЛМИЙ МЕРОСИГА НАЗАРИЙ ЁНДАШУВ

*Исмоил Нуридинов*

*магистратура тингловчиси*

*Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқи мұхофаза қылиши академияси  
Тошкент, Ўзбекистон*

### МАҚОЛА ҲАҚИДА

**Калит сўзлар:** жиноят, жазо, адолат, ҳуқуқ, мерос, жамият, қонун, "Ал-Ҳидоя".

**Аннотация:** Ушбу мақола Бухориддин Марғинонийнинг "Ҳидоя" асаридаги ҳуқуқий тамойилларни замонавий инсон ҳуқуқлари ва халқаро ҳуқуқ нормалари билан солиштиришга қаратилган. Бухориддин Марғинонийнинг "Ҳидоя" асаридаги жиноят ва жазо мувозанати, адолат тамойиллари замонавий

стандартлар билан мос келиши ҳамда асарда келтирилган инсонпарварлик, мұтадиллік ғоялари глобал ҳуқук ҳамкорлиги учун асос бўлиши мумкинли таъкидланган.

Шунингдек, Марғинонийнинг мероси бугунги кунда хам ҳуқуқий ислохотлар, халқаро ҳамкорлик ва тинчликни мустаҳкамлашда долзарб аҳамиятга эга эканлиги таъкидлаб ўтилган.

## ТЕОРЕТИЧЕСКИЙ ПОДХОД К НАУЧНОМУ НАСЛЕДИЮ БУРХАНИДИНА МАРГИНАНИ

*Исмаил Нуридинов*

*студент магистратуры*

*Академия правоохранительных органов Республики Узбекистан  
Ташкент, Узбекистан*

### О СТАТЬЕ

**Ключевые слова:** преступление, наказание, справедливость, право, наследие, общество, закон, «Аль-Хидая».

**Аннотация:** Данная статья посвящена сравнению правовых принципов, изложенных в труде Бурханиддина Маргини «Хидая», с современными нормами прав человека и международного права. В статье подчеркивается соответствие баланса преступления и наказания, принципов справедливости в «Хидая» современным стандартам, а также гуманистических и умеренных идей, изложенных в труде, которые могут служить основой для глобального правового сотрудничества. Кроме того, подчеркивается, что наследие Маргини продолжает оставаться актуальным для правовых реформ, международного сотрудничества и укрепления мира.

### Кириш.

Замонавий ҳуқуқ тизимларининг ривожланиши инсон ҳуқуқларининг таъминланиши ва адолат тамойилларининг мустаҳкамланиш зарурати билан чамбарчас боғлиқ. Бугунги кунда жиноят ва жазо мувозанатини таъминлаш, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва адолатли суд-ҳуқуқ тизимини шакллантириш глобал миқёсдаги муаммолардан бири ҳисобланади. Шу нүктайи назардан, Бурхонуддин Марғиноний томонидан ёзилган "Хидоя" асарининг жиноят ва жазо мувозанати ҳамда адолат концепциясига оид тамойилларини ўрганиш нафақат тарихий-ҳуқуқий аҳамиятга эга, балки замонавий ҳуқуқий тизимлар билан қиёсий таҳлил қилиш имконини ҳам беради.

Ислом ҳуқуқи бугунги кунда дунёнинг кўплаб мамлакатларида миллий ҳуқуқий тизимларнинг таркибий қисми сифатида амал қилади. Шу боис "Хидоя" асарида баён этилган жиноят ва жазога оид қоидаларни замонавий халқаро ҳуқуқ нормалари билан қиёслаш орқали ислом ҳуқуқининг универсал жиҳатларини аниқлаш ва унинг замонавий ҳуқуқий жараёнлардаги ўрнини белгилаш имконияти пайдо бўлади. Айниқса, халқаро ташкилотлар – БМТ, Европа Кенгаши, Ислом ҳамкорлик ташкилоти ва бошқа институтлар томонидан жиноят адолати ва инсон ҳуқуқлари бўйича ишлаб чиқилган тавсиялар билан "Хидоя" нормаларининг уйғунлигини ўрганиш, ислом ҳуқуқий тамойилларининг глобал ҳуқуқий жараёнларга таъсирини чуқур англашга ёрдам беради.

Бундан ташқари, дунё миқёсида радикализм ва экстремизм муаммоси тобора долзарб тус олмоқда. "Хидоя" асарининг ҳуқуқий тамойиллари мўътадил ёндашувни тарғиб қилганлиги сабабли, у радикал талқинлардан фарқли равища, ислом ҳуқуқининг инсонпарварлик ва адолатга асосланган қоидаларини кенг ёритиш имконини беради. Шу тариқа, мазкур мавзунинг ўрганилиши нафақат жиноят ҳуқуқи ва инсон ҳуқуқлари соҳаси учун, балки глобал хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш нуқтайи назаридан ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш, қонун устуворлигини таъминлаш қонунийликни мустаҳкамлашнинг асосий шартларидан бири ҳисобланади. Инсон ҳуқуқ ва эркинликларига ҳурмат муносабатини шакллантириш, аҳолининг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш ҳамда инсон қадр-қимматини эъзозлашга қаратилган чоратадбирлар устувор йўналиш сифатида белгиланди.

Адолатни қарор топтиришга қодир бўлган одил судлов тизимини шакллантириш бугунги кунда долзарб масалалардан бири бўлиб, ушбу саъй-ҳаракатлар инсон қадр-қимматини юксалтириш йўлидаги ислоҳотлар пойдеворига айланди. Хусусан, янги таҳрирдаги Конститутсиямиз инсон шаъни, қадр-қиммати ва ҳуқуқларини мустаҳкамловчи асосий ҳуқуқий манба сифатида хизмат қилмоқда.

Юртимизда адолатли ҳуқуқий тизимни шакллантириш йўлида "Хидоя" каби ислом ҳуқуқининг классик манбаларини ўрганиш, уларнинг замонавий ҳуқуқий тамойиллар билан уйғунлигини таҳлил қилиш долзарб аҳамият касб этмоқда. Хусусан, Бурҳониддин Марғиноний асарида илгари сурилган жиноят ва жазо масалаларини бугунги ҳуқуқий ислоҳотлар нуқтайи назаридан қайта таҳлил қилиш инсон ҳуқуқларини таъминлаш, жазоларнинг адолатлилиги ва ҳуқуқий тизимнинг самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

Ўтмиш алломалари яратган илмий ва ҳуқуқий мерос нафақат ўз даврида, балки бугунги кунда ҳам ҳуқуқий тафаккурни шакллантириш, жамиятда адолат ва конун

устуворлигини таъминлаш, ёш авлоднинг маънавий-рухий дунёқарашини бойитища мухим рол ўйнамоқда. Айниқса, фиқҳ илмининг асосий манбаларидан бири бўлган “Хидоя” каби асарлар нафақат диний-хуқуқий қоидаларни ўз ичига олган, балки ижтимоий ҳаётни тартибга солувчи фундаментал хуқуқий қўлланма сифатида ҳам эътироф этилади.

Бугунги Ўзбекистон давлатчилигига ҳам аждодларимизнинг бой мероси чукур ўрганилиб, ислом хуқуқшунослиги ва тарихий анъаналарга асосланган хуқуқий меъёрлар замонавий хуқуқий тизим билан уйғунлаштирилмоқда.

Шу боисдан, мазкур мавзу бўйича илмий тадқиқот олиб бориш мамлакатимиз суд-хуқуқ тизимининг такомиллаштирилишига ҳисса қўшиши баробарида, халқаро хуқуқ ва ислом хуқуқи тамойилларининг ўзаро боғлиқлигини ёритишга ҳам имкон яратади.

VII асрнинг биринчи ярмида ислом динининг юртимизга кириб келиши натижасида илм-фан ва маданиятнинг интегратсиялашуви жадаллашди. Бу жараён инсон хуқуқлари, адолат ва ижтимоий тенглик тамойилларини ривожлантиришга кучли туртки берди ҳамда илм-фаннынг юксалишига хизмат қилди. Мазкур тарихий воқелик, айниқса, хуқуқий тафаккур ва адолат консепсиясининг шаклланишида туб бурилиш ясаган мухим омиллардан бири сифатида баҳоланади.

VII–VIII асрлардан бошлиб юртимиз турли билимлар марказига айланиб, ҳадисшунослик, фиқҳ, ахлоқ, аниқ ва табиий фанлар, фалакиёт ва тасаввуф каби асосий илмлар ривож топди. Диёrimiz дунёга машхур алломаларни тухфа этди. Ушбу буюк шахслар турли илмлар ривожига бекиёс ҳисса қўшиб, ўз соҳаларининг асосчиси сифатида эътироф этилдилар.

“Бугун буюк аждодларимиз анъаналарини давом эттирган ҳолда, биз қадриятларимизни асраб-авайлаш ва янада ривожлантириш борасида катта ишларни амалга оширмоқдамиз” дея таъкидлаган эди Шавкат Мирзиёев [1].

Бугунги кунда дунё бўйлаб мураккаб ижтимоий-хуқуқий вазият шаклланиб, диний ва дунёвий ихтилофлар тобора кучаймоқда. Хусусан, ислом динининг асл моҳиятини чукур англаб етмасдан, илмий манбаларни ўрганмасдан туриб, турли мафкуравий қарама-қаршиликларни қўзғатиш, ислом ниқоби остида сохта жиҳод ва террорчилик ҳаракатларини амалга ошириш ҳолатлари кузатилмоқда.

Бундай шароитда замонавий юридик нормалар ва ислом хуқуқшунослигини чукур билиш алоҳида аҳамият касб этади. Бу эса нафақат фиқҳ соҳасидаги илмий тадқиқотларни олиб бориш, балки юртимизда шаклланган хуқуқий анъаналарнинг тарихий илдизларини қайта таҳлил қилиш ва уларнинг замонавий жамиятдаги ўрнини аниқлаш заруратини юзага келтиради.

Ислом дини тинчлик, эзгулик ва инсонпарварлик ғояларига асосланган бўлиб, у илм-фан ва маънавиятни тарғиб қиласди. Ота-боболаримиз бу қадриятларни мустаҳкамлашга бекиёс ҳисса қўшганликлари илмий жиҳатдан янги тадқиқотларга замин яратмоқда. Бу ҳолат нафақат бизнинг маданий ва илмий меросимизни англаш, балки уни келажак авлодларга етказиш нуқтайи назаридан ҳам муҳим аҳамият касб этади.

**Адабиётлар таҳлили.** “Шарқнинг буюк ҳуқуқшуносларидан бири Бурхонуддин Марғиноний XII асрда ёқ ўзининг “Ҳидоя” асарида ҳар бир инсоннинг ҳақ-ҳуқуқини сақлаш зарурлига тўғрисида муҳим ғояни илгари сурган эди” деган эди президент Шавкат Мирзиёев Бутунжаҳон инсон ҳуқуқлари декларацияси қабул қилинганлигининг 70 йиллиги муносабати билан инсон ҳуқуқлари бўйича Осиё форуми иштирокчиларига [2].

“У ислом дунёсида ўзигача яратилган диний асарларни мутолаа қилди, уларни тартибга солди. Толмас тадқиқотчи, иймон-эътиқодли, юксак даражадаги ҳуқуқшунос, адаб ва шоир эди. Фан ва адабиётда унга ўхшаши бўлмаган”, дея таъкидлаган машҳур фикҳшунос олим Абдулҳай ал-Лақнавий.

Марғиноний фикҳга оид асарларида, хусусан "Ҳидоя" да, мураккаб ва чигал ҳуқуқий масалаларни ечишнинг қисқа, аниқ ва ишончли, шу билан бирга назарий ва амалий жиҳатдан асосланган йўл-йўриқларини белгилаб берган. У асарларида: диний тартиб-қоидалар, оила ва никоҳ, мерос ҳуқуқи, шахсий ва мулк ҳуқуқлари, фуқаролик ҳуқуқининг назарий ва амалий асослари, давлат-ҳуқуқий тизими, жиноий жазолар ҳамда суд (қози)ларнинг иш юритиш тартиби каби масалаларни қамраб олган.

Мустақиллик йилларида буюк алломаларимиз ҳаёти ва ижодий меросини чукур ўрганиш имконияти яратилди. Хусусан, Бурхониддин Марғиноний меросини тадқиқ қилишга академик А. Сайдов катта ҳисса қўшди ва унинг ташаббуси билан "Ҳидоя" асарининг русча таржимасининг биринчи жилди қайта нашр этилди. Бу эса Марғинонийнинг ҳуқуқий қарашларини янада чукур ўрганиш ва тарғиб қилиш имкониятини кенгайтирди.

Бурхониддин Марғинонийнинг авлод ва аждодлари ўз даврида машҳур фақиҳлар сулоласидан бўлганлиги, улар Фарғона водийсининг ҳозирги Марғилон (Марғинон) шахрида яшаганликлари учун, Марғиноний номи билан шуҳрат қозонишган.

Бурхонуддин Марғинонийнинг асл исми Абу Ҳасан Али ибн Абу Бақр ибн Абдулжалил ибн Абдулхалил ибн Абу Бақр Сиддикий Фарғоний, Рошидоний, Марғиноний бўлиб, асарларда фақиҳнинг насаблари - буюк саҳоба Абу Бақр Сиддик розияллоҳу анхуга бориб етгани қайд этилган [3]. Фақиҳнинг Рошидоний нисбаси Марғиноний нисбасидан олдин бўлишининг сабаби, бир томондан, алломанинг айнан ҳозирги Фарғона вилоятининг Риштон тумани худудида туғилганига (1118 йилда туғилган) далолат беради.

Бурхониддин Марғиноний илк таълимни ўз даврининг етук олимларидан олган ва ёшлигиданоқ фикҳ, хадис, тафсир ҳамда бошқа ислом илмларини чуқур ўрганган. Унинг асосий устозларидан бири Абу Ҳафс Умар ибн Аҳмад ал-Насафий бўлиб, Марғиноний айнан унинг таъсирида фикҳ илмининг етук мутахассисига айланган.

Бурхониддин Марғиноний ислом хуқуқшунослиги соҳасида бир неча асрлар яратган бўлса-да, унинг машхур ва таъсирчан асари “Хидоя” бўлиб, бу тўрт жилдан иборат фикҳий манба ҳанафий мазҳабининг асосий хуқуқий қўлланмалари қаторидан жой олган. Ушбу асар нафақат Мовароуннахр худудида, балки бутун ислом оламида кенг қўлланилиб, мусулмон қозилари, олимлари ва хуқуқшунослари учун муҳим манба бўлиб хизмат қилган.

Марғиноний ўз илмий фаолиятида хуқуқий нормаларни нафақат ислом хуқуқи нуқтайи назаридан, балки қиёсий хуқуқ асосида ҳам таҳлил қилган. У ислом хуқуқшунослигининг асосий қоидаларини чуқур илмий асослаб берган ва хукмларнинг мантиқий, амалий ҳамда ахлоқий жиҳатларига катта эътибор қаратган. Айниқса, жиноят ва жазо мувозанати, адолат тамойиллари, мулкий хуқуқ ҳамда шахсий хуқуқ соҳаларида олиб борган изланишлари бугунги кунда ҳам ўз долзарблигини йўқотмаган.

Аллома умрининг асосий даврини Самарқандда ўтказиб, 1197 йили Самарқандда вафот этган ва Чокардиза кабристонига дафн килинган.

Бурхониддин Марғинонийнинг илмий мероси ҳанузгача мусулмон хуқуқий тафаккурининг ривожига катта таъсир кўрсатиб келмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2017 йил 19 сентябрда БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида нутқ сўзлаб, ушбу нутқда қуйидагиларни таъкидлаган эди: “Биз бутун жаҳон жамоатчилигига ислом динининг асл инсонпарварлик моҳиятини етказиши энг муҳим вазифа, деб ҳисоблаймиз. Биз муқаддас динимизни азалий қадриятларимиз мужассамининг ифодаси сифатида беҳад қадрлаймиз. Биз муқаддас динимизни зўравонлик ва қон тўкиш билан бир қаторга қўядиганларни қатъий қоралаймиз ва улар билан ҳеч қачон муроса қила олмаймиз. Ислом дини бизни эзгулик ва тинчликка, асл инсоний фазилатларни асраб-авайлашга даъват этади. Марказий Осиё Уйғониш даврининг кўплаб ёрқин намояндаларининг ислом ва жаҳон цивилизациясига қўшган бебаҳо ҳиссасини алоҳида қайд этмоқчиман” [4].

Бурхониддин Марғиноний нафақат уламолар, балки оддий ҳалқ орасида ҳам “хидоят ўйлининг сарбони” сифатида юксак ҳурмат ва эътирофга сазовор бўлган. Шунингдек, у “Бурхониддин вал-милла” (“Ислом динининг далили, исботи”) деган шарафли унвон билан ҳам танилган.

Бурхониддин Марғинонийнинг бизгача етиб келган асосий фикҳий асрлари жумласига қуйидагилар киради:

1. «Нашрул мазҳаб» (Мазҳабнинг тарқалиши);
2. «Китоб ал-маносакул-ҳаж» (Ҳаж маросимлари ҳақида китоб);
3. “Китобун-филфарииз» (Мерос ҳуқуки бўйича китоб);
4. «Китоб-аттажнийсу вал-мазийд» (Илмни зиёда қилувчи китоб);
5. «Мухторотун навозил» (Нозил бўлган нарсалар мажмуаси);
6. «Китоб ул-машойих» (Шайхлар ҳақидаги китоб);
7. «Мазийдун фи фуруъил-ҳанафия» (Ханафий мазҳабига қўшимчалар);
8. «Шарҳ ал-Жомий-ал-Кабир Муҳаммад аш-Шайбоний» (аш-Шайбонийнинг «Жомиъу-кабийр» асарига шарҳ);
9. «Бидоят ул-мубтадиъ» (Бошловчилар учун дастлабки таълим);
10. «Кифоятул-мунтаҳий» («Якунловчилар учун тугал таълим»). «Бидоятул-мубтадиъ» асари учун ёзилган 8 жилдлик шарҳ;
11. «Ҳидоя» («Кифоятул — мунтаҳий» асари учун ёзилган 4-жилдлик шарҳ).

У ўз асарларида ижтимоий-иктисодий муносабатлар, мулкчиликнинг турли шакллари (давлат ва сиёсий мулкчилик), жиноят ва жазонинг ҳуқуқий жиҳатларини, фуқаролик ҳуқуқи назарияси ва амалиёти, жиной ишни қўриш масалаларини батафсил ёритиб берди. Бу асарлардаadolat туйғуси, ўз даврининг ҳуқуқий мезонлари асосида яшаш, ўзганинг мол-мулкига кўз олайтирмаслик, ҳаромдан ҳазар қилиш, инсоф ва диёнат, меҳр-оқибат каби тушунчаларнинг моҳияти очиб берилган. Бурҳониддин Марғинонийнинг ўзи ҳаёти давомида ана шундай инсоний фазилатларга амал қилиб яшади. Илму урфон йўлидаги фидойилиги, камтаринлиги, ўз асарларида бирон марта ҳам «мен» деган сўзни ишлатмай, ҳокисорлик билан изоҳ беришида қўриниб турди.

#### **«Ҳидоя» асарининг юзага келиши:**

Мовароуннахрлик ислом ҳуқуқшунослари томонидан яратилган 20 га яқин фиқҳий манба Муҳаммад Шайбонийнинг «ал-Жомиус-сағир» асарини шарҳлашга бағишлиланган бўлиб, Мовароуннахр фақиҳлари ўша даврда бу манбани ёд олишган. Бурҳонуддин Марғиноний эса, ушбу ёзилган асарларни ҳажм жиҳатидан катта бўлгани, ўқувчига ўзлаштиришда қийинчилик туғдиргани, замоннинг ўзгариши билан ҳодиса ва воқеалар кетма-кетлиги ва айрим қоидалар ўзгариб, янгиланиб бориши, уларни эса аввалги асарлар доираси тўлиқ қамраб ололмаслиги сабабли ҳажм жиҳатидан кичик, мазмун жиҳатидан эса, барча фиқҳга доир мавзуларни ўз ичига қамраб олган, ўз замонасида керақли фиқҳий масалани осон топишда қулай бўлган асар яратишни ўз олдига мақсад қилиб олади.

Бурҳонуддин Марғиноний тахминан, 1165 йилда Бағдодга келганида Қудурийнинг «Мухтасарул қудурий» асарини фиқҳга оид ёзилган асарлар ичida энг муносиб манба экани ва у асар ўзига жуда манзур бўлгани боис, дастлаб мазкур асар асосида «Бидоятул-мубтади»

асарини ёзиб, кейинчалик ушбу китобига «Кифоятул мунтахи» номли шарх ёзади. Лекин ушбу шархи ҳажм жиҳатидан катта бўлиб кетганлиги сабабли, ихчам шаклда асар юратишни ният қилиб, «Ҳидоя» (“Тўғри йўл”) асарини ёзишга киришади [5]. Муаллиф «Ҳидоя» асарини ун уч йил давомида, рўздор холида ихлос ва илмга муҳаббат билан ёзган. У кишининг ушбу ихлоси кейинчалик «Ҳидоя»ни то ҳозирги кунимизга қадар илм ахлининг эътиборидан тушмаган мўътабар манба сифатида етиб келишига сабаб бўлди [6].

Марғиноний «Ҳидоя» асарини 1177 йил ёзиб тутатган.

**Таҳлил ва натижалар:** «Ҳидоя» асари энг муҳим ва мукаммал ҳуқуқий манба сифатида 4 жилд, 57 та китоб, 165 та боб, 152 та фаслдан таркиб топган.

«Ҳидоя»нинг ҳар бир жилди турли муаммоларни ҳуқуқий ечимиға бағишлиланган.

Биринчи жилд 5 китобдан иборат бўлиб, таҳорат ва амалий ибодатлар (намоз, рўза, закот ва ҳаж)га бағишлиланган. Бу жилд 47 боб ва 37 фаслдан иборат.

Иккинчи жилдига никоҳ, эмизиш, талок, қулларни озод қилиш, топиб олинган боланинг насабини аниқлаш, топиб олинган нарса, қочиб кетган қуллар, бедарак йўқолганлар, шерикчилик ва вакф ҳуқуқи каби масалалар киритилган. Бу жилд 60 боб, 36 фаслдан ташкил топган.

Учинчи жилдига (14 китоб) олди-сотди, пул муаммолари, кафолат, пулни бирорвга ўтказиш, қозиларнинг вазифалари, гувоҳлик, берилган гувоҳлиқдан қайтиш, ваколат, даъво, иқрор бўлиш, сулҳ, бир ишда пул билан шерик бўлиш, пулни сақлашга бериш, қарз бериш, совға, ижара, муайян шарт асосида чекланган озодлик берилган қуллар, волийлик (патронат), мажбур қилиш, ҳомийлик, қисман озод бўлган қуллар ва босқинчилик хусусидаги масалалар ўрин олган. Бу жилдда 36 боб, 37 фасл бор.

Тўртинчи жилдига (76 китоб) эса шафоат, меросни тақсимлаш, деҳқончилик ҳамда боғдорчилик хусусида шартнома, қурбонликка сўйишадиган жонзод ҳақида, умуман қурбонлик қилиш ҳақида, шариатга зид ёмон нарсалар ҳақида, ташландик ерларни ўзлаштириш хусусида, тақиқланган ичимликлар ҳақида, овчилик, гаровга бериш, жиноятлар хусусида, хун ҳақи тўлаш, васият каби масалалар ёритилган. Бу жилд 23 боб, 38 фаслдан иборат.

Асарнинг машҳурлигидан Ислом илмларига доир ёзилган асарларнинг ичиди Имом ал-Бухорийнинг «Саҳиҳ»ларидан кейин унга шарҳ ёзилиши бўйича иккинчи ўринда туради. Ҳозирги кунимизда ҳам асар бўйича дунёning кўплаб илм даргоҳларида илмий ишлар, тадқиқотлар қилиб келинмоқда.

Жумладан, Ҳозирда «Ҳидоя» асари Европанинг энг қадимги университетларидан Франциянинг Сарбон, Англиянинг Оксфорд университетлари, АҚШнинг Зайтуна олийгоҳи ва мусулмон оламининг энг қадимий ва нуфузли университетларида ўкув

дастурларига киритилган бўлиб, асардан қонун тузиш тизимини ривожлантириш учун асосий манба сифатида қўлланиб келинмокда [7].

Ўзбекистонда Бурҳонуддин Марғинонийнинг илмий мероси, хусусан, «Ҳидоя» асари борасидаги дастлабки тадқиқотлар шарқшунос олим Одил Қориев томонидан мустақиллигимизнинг дастлабки йилларида бошланган. Одил Қориев Фанлар Академияси Шарқшунослик институти қўллўзмалар хазинасида асарнинг энг кадимий нусхаларидан бири сақланганини аниқлаган ва бу қўллўзма хозирча фанга маълум бўлган энг кадимий икки нусхадан иборат бўлиб, у 1280 йилда кўчирилган. Шунингдек, асарнинг бундан-да кадимий бўлган яна бир нусхаси 1206 йилда кўчирилган ва у Истанбулда сақланади [8].

“Ҳидоя” асарининг ўзига хос хусусиятларидан бири, факих ўзи ихтиёр қилган далилларини энг сўнгида келтиради. Яна шундай доимий одатидан бири, гарчи буюк фаҳиҳларнинг сўзларини санаганда кўпинча биринчи бўлиб энг кучли сўзни келтирса, ихтилофли сўзларга далил келтирган вақтда охири келтирилган далил олдингисига жавоб ўрнида бўлиши учун энг кучли сўзнинг далилини охирида келтиради.

Марғиноний фиқҳий нуқтаи назардан, хуқуқий масалаларни изоҳлаш жараёнида, уларнинг қонуний ёки ғайриқонуний эканлигини нақлий далиллардан кейин, ақлий далиллар билан ёритиб ўтади.

«Ҳидоя» энг мўътабар ҳуқуқий қўлланма сифатида тўққиз асрдан буён бутун Ислом дунёси, аниқса, Марказий Осиё мамлакатлари, Хинд ярим ороли, Туркия ва кўпгина араб мамлакалари учун энг саҳиҳ ва ишончли манбалардан бири сифатида эътироф этилган.

«Ҳидоя» фақат Ислом ҳуқуқшунослари учун эмас, балки ғарб ҳуқуқшунос олимлари учун хам жуда эътиборли ҳуқуқий манба сифатида хизмат килиб келмокда. 1958 йили Мажид Хаддурий ва Хеберт Либес томонидан нашр этилган «Исломда ҳуқуқ» номли китобда асосан «Ҳидоя»дан кенг фойдаланилган [9].

Бу эса, бугунги кунда бутун дунё олимларини инсоният тараққиёти тамаддунига бекиёс ҳисса қўшган ислом ҳуқуки (фиқҳ)га оид ноёб манбаларни ўрганишда ҳар қачонгидан хам астойдил киришганини кўрсатиб турибди. Зеро, глобализация жараёнида, жаҳондаги турли куч марказлари ўртасида кескин ғоявий курашлар юз бераётган ҳозирги кунда бузғунчи ғояларнинг жамиятда илдиз отишига йул қўймаслик, диний мутаассибликнинг олдини олиш чораларини кўриш, муқаддас ислом динининг инсонпарварлик ва тинчликсеварлик моҳиятини, инсоният цивилизациясига қўшган ҳиссасини жамоатчиликка тушунтириш ва мазкур йўналишда илмий тадқиқотлар олиб бориш бугунги куннинг долзарб вазифаларидан бири ҳисобланади.

Чунки ўтмишда ҳам, ҳозирги даврда ҳам ислом таълимоти бошқача қилиб айтганда, ислом ҳуқуки жамиятда “Биз бутун жаҳон жамоатчилигига Ислом динининг асл

инсонпарварлик моҳиятини етказишни энг муҳим вазифа деб ҳисоблаймиз. Чунки ислом дини бизни эзгулик ва тинчликка, асл инсоний фазилатларни асраб-авайлашга даъват этади” деб таъкидлари Президентимиз Шавкат Мирзиёев БМТ минбарида маърузасида [10].

**Хулоса.** «Ҳидоя» бир неча асрлар давомида кўп мусулмон мамлакатларида ҳукуқшунослик бўйича энг асосий қўлланма ҳисобланиб, Ўзбекистонда 1917 йил октябрь тўнтаришидан кейин хам, то 1930 йилларгача қозилик институти бекор қилиниб, собық шўро суд тизими жорий қилингунга қадар амалда бўлиб келди.

Ҳаммамизга маълумки, ислом таълимотида билим эгаллаш ҳар бир инсоннинг ҳукуки эмас, балки мажбурияти ва бурчи ҳисобланади.

Миллий давлатчилигимизнинг тарихий-ҳукукий жиҳатларини ўрганишга жазм қилган ҳар бир инсоннинг кўнглида “аждодларга муносиб авлод булаги”, деган эзгу гоя мужассам.

Шундай экан, давлатчилигимизнинг тарихий-ҳукукий тараққиётининг ўтган бир неча асрлик давридаги каби ҳозирда ҳам ислом ҳукуки, эътиқодимиз, дунёқарашимиз, тафаккуру иймонимиз илдизи ва устуни сифатида инсонларнинг соғ ислом таълимоти билан озуқаланиши, хусусан, жамиятда, тинчлик, хотиржамлик, ижтимоий адолат, юксак аҳлок, баркамол авлодни тарбиялаш каби эзгу орзуларга эришиш билан боғлик таълим ва тарбияга оид билимларни эгаллашга хизмат қилиши баробарида, келажак авлоднинг бой илмий меросдан баҳраманд бўлишида масъул эканимизни теран ҳис қилиб яшашга ундаиди.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Ислом тараққиёт банки Бошқаруви кенгашининг 46-йиллик анжуманидаги президент Ш.Мирзиёев нутқидан.
2. Бутунжаҳон инсон ҳукуқлари декларатсияси қабул қилинганлигининг 70 йиллиги муносабати билан инсон ҳукуқлари бо`йича Осиё форумидаги президент Ш.Мирзиёев нутқидан, 22.11.2018.
3. Мухаммад Абдулхай Лакнавий. «Ал-Фавоъид ал-бахийя фи тарожим ал-хадисана-рийя» / Ахмад аз-Забий таҳрири остида. 1-нашри. - Байрут: Дорул Аркам ибн ал-Аркам, 1418/1998. - Б. 201.
4. Мирзиёев Ш.М. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. 2-жилд. – Тошкент: Ўзбекистон, 2018. – 253 б.
5. Одил Қориев “Бурҳонуддин Ал-Марғиноний-ҳукуқшунос” / “Шарқшунослик” тўплами Т., 1993 й. №4. Б.71-75
6. “Ҳидоя” 1-жилд, Т., “Hilol-Nashr” Б. 12
7. “Ҳидоя” 1-жилд, Т., “Hilol-Nashr” Б. 28

8. “Хидоя” 1-жилд, Т., “Hilol-Nashr” Б. 11
9. Islam Ansiklopedisi. Vol. XVI. - Istanbul: Hanefi Mezhebi-Haya, 1997. - Б.105.
10. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 72-сессиясидаги нутки // «Ma'rifat», 2017 йил, 20 сентябрь.